

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чика бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

17 июнь, сешанба, 1997 йил
Сотувада эркин нархда. № 129 (1646)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚҰМИТАСИДА

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Олий Мажлис қўмиталарида сессия оралигида одатда иш қизғин бўлади. Янги қонун лойиҳалари тайёрланади, қабул қилинган қонунларнинг жойлардаги ижроси назорат-таҳлил этилади, қонунчиликка доир турли ташаббус, таклиф ва мулоҳазалар ўрганиб чиқилади.

Олий Мажлис Мулоффа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Баҳриддин Наимовнинг маълум қилишича, қўмитада айтилган «Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси устида иш олиб бориляпти. Қўмита қошида унинг аъзолари, ҳуқуқшунос-мутахассислар, Мулоффа, Ички ишлар, Ижтимоий таъминот, Фавқулодда вазиятлар ҳамда Адлия вазирликлари вакилларидан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Яқин кунлар ичида лойиҳанинг янги матни тайёр бўлади.

Ўз муҳбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН -- ОЗАРБАЙЖОН: АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК, ҚАДИМИЙ ҲАМКОРЛИК

18 июнда Озарбайжон Республикаси Президенти Гайдар Алиевнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи бошланади

Бу Озарбайжон раҳбарининг бизнинг мамлакатимизга дастлабки расмий ташрифи бўлгани билан Ўзбекистонга биринчи зиярати эмас.

Утган йилнинг кузида Гайдар Алиев Тошкентда бўлиб ўтган туркий тилли давлатлар раҳбарларининг учрашувида иштирок этган эди. У, шунингдек, буюк давлат арбоби Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишланган юбилей тантаналарида қатнашган фахрли меҳмонлар орасида ҳам бўлган.


Шуни эслатиб ўтиш жоизки, ўзбек диёрида яшаётган 44 минг озарбайжон учун Ўзбекистон иккинчи Ватан ҳисобланади.

1989 йилнинг октябрдан Тошкентда фаолият кўрсатаётган Озарбайжон маданий маркази ҳузурда ташкил этилган раққоса қизлар ансамбли, «Гардашлик»,



«Ягона», «Чанни Бей» муסיкий ансамбллари ўз чиқишлари билан Ўзбекистондаги ватандошларини хушнуд этмоқдалар. Шунингдек, бу ерда озарбайжонлар бошқа миллат вакиллари билан биргаликда «Наврўз», давлатимизнинг мустақиллик байрамларини нишонламоқдалар.

Халқларимизнинг қадимий тарихий илдизи, кўп йиллик дўстлик аънаналари, ўзаро маданий ва ти-



жорат алоқалари икки мамлакат ўртасида узоқ келажақдаги ҳамкорликни ривожлантиришда, умумий масала ва муаммоларни ҳал қилишда, шубҳасиз, муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

1991 йилда имзоланган ҳамда 1996 йилда икки томон тасдиқлаган давлатларасора муносабатлар асослари тўғрисидаги шартнома яна 22 давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар-



нинг қабул қилиниши учун асос бўлди.

1996 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Озарбайжон Республикасида бўлди. Ташриф давомида 18 ҳужжат имзоланди. Хар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш, автомобиль, темир йўл, ҳаво йўллари, ишлаб чиқариш кооперацияси, божхона масалалари, инвести-

цияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича имзоланган шартномалар шулар жумласидандир.

1996 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар аламушуви 8 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Озарбайжон экспортда -- машинасозлик маҳсулотлари, Ўзбекистон экспортда эса қурилиш материаллари асосий ўрин тутди.

Ўзбекистон -- Озарбайжон муносабатлари транспорт алоқаси (автомобиль ва темир йўллар, қувурлар), нефть ва газ комплекслари, Боку портидаги денгиз терминалларини таъмирлаш, «ЎздЭУавто» автомобилларини Озарбайжон бозорига етказиб бериш каби масалаларда истиқболли режалар бор.

Республикамиз ҳудудидаги учта ўзбек-озарбайжон қўшма корхонаси муваффақият билан фаолият кўрсата бошлади.

Улар электротехник жиҳозлар («Электрофон») ишлаб чиқариш, кондиционерларни етказиб бериш ва уларни таъмирлаш («Кондиционер») ҳамда тижорат («Ельвин-М») лойиҳалари устида иш олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон ва Озарбайжон кўпгина халқаро масалалар бўйича ўхшаш мавқега эгадирлар. Хусусан, МДХ келажагини бизнинг давлатларимиз ҳукуматлари интеграция жараёнини суъий жадаллаштиришдан холи деб биладилар. Хамдўстлик мамлакатлари доирасида миллий структуралар устидан турадиган идоралар ташкил қилиш режаларига қўшилмайдилар.

Озарбайжон давлати раҳбарининг Ўзбекистонга навбатдаги ташрифи икки томонлама муносабатлар тарихида янги босқичнинг бошланиши сифатида қаралмоқда. Иқтисодиёт, маданият, ижтимоий соҳаларга доир ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашувчи катта мажмуадаги шартномаларнинг имзоланиши бу ташрифнинг тантанасини ифодалайди.

«ЖАҲОН» ахборот агентлиги.
А. Тўраев (ЎЗА)
олган суратлар.

• ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ҚИШГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРАЙЛИК

Ёзнинг ҳозирги илик-иссиқ кунлари қиш мавсумига ҳар томонлама пухта ҳозирлик қўриш, тегишли моддий-техник заҳираларни вужудга келтириш учун айтиш қулай фурсатдир.

Зеро, қиш бепарволикни кечирмайди. Вазирлар Маҳкамаси яқинда «Республика халқ ҳўжалигини 1997-98 йиллар кузги-қишқи мавсумда ишлашга тайёрлаш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Ушбу қарор жойларда қандай ижро этилмоқда?

14 июнь кунин Вазирлар Маҳкамасида республика халқ ҳўжалиги тармоқларини қиш мавсумига тайёрлаш масалалари комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков бошқарди.

Манфадатдор вазирлик ва идоралар, концернлар, компания ва уюшмаларнинг раҳбар ходимлари,

шунингдек, Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, мутахассислар иштирок этган йиғилишда 1996 йилги иш якунлари таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгилан олинди. Шунинг айтиш керакки, республикадаги бир қатор вилоят ва туманларда халқ ҳўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳолига коммунал хизмат кўрсатишини яхшилаш соҳасида муайян ютуқларга эришилмоқда. Истеъмолчиларга газ, сув, ёқилғи-энергетика ресурслари ўз вақтида етказиб берилмаётди.

(Давоми 3-бетда).

САТРАЛАРДА ЮРТ НАФАСИ «Халқ сўзи» ва ЎЗА муҳбирлари хабар қилади

• БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва шпигадаларо тадқиқотлар институтида «Барқарор тараққиёт ва табиий заҳиралар -- Ўзбекистон Республикасининг макроиктисодий сибёати» мавзусида халқаро семинар бошланди.

Семинарда республика камиздаги тегишли вазирликлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар, шунингдек, Америка, Норвегия ва бошқа ривожланган хоржий

мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртларидан келган олимлар иштирок этмоқда.

Семинарни Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирининг биринчи ўринбосари Шухрат Ғофуров очди.

Анжуманда сўзга чиққан АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Стэнли Эскудеро, шунингдек, Норвегия статистика университети доктори Арне Оен мазкур семинарда муҳокама этилажак масалалар Ўзбекистонда

амалга ошириляётган иқтисодий ислохотлар жараёнини янада чуқурлаштириш йўлида муҳим аҳамият касб этажанини таъкидладилар.

Анжуманинг биринчи иш қунида мамлакатимиздаги табиий ва минерал хомашёлар захираларидан оқилона фойдаланиш, янги қазима қонларини ўзлаштириш, бу борада чет эл сарможаларини янада кўпроқ жалб этиш учун қулай шарт-шароит яратиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

• ПАХТА УРУҒЧИЛИГИ МУАММОЛАРИ

Самарқандда пахта уруғчилиги муаммоларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Анжуман вилоят ҳокимлиги, Жаҳон банки ҳамда «Глобан фактс» компанияси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

Семинарда соҳа олимлари, мутахассислари мамлакатимизда пахта уруғчилиги бўйича олиб бориляётган тадқиқотлар, ҳўжаликларини хусусийлаштириш, бизнес-режалар тузиш ва бу борадаги муаммолар ҳақида маъруза қилдилар.

Семинарда Жаҳон банкининг пахта уруғчилиги бўйича лойиҳаси ҳақида ҳам ўзаро фикр алмашилди.

• ҲОСИЛ МЎЛ БЎЛДИ

Хоразм вилоятида бу йил ҳар қачонгидан мўлғалла етиштирилади. Богот, Хонқа, Қўшқўпир туманларида ғаллазорларда ўрим-йғим, айниқса, авж олиб кетди. Қўшқўпир туманидаги Охунбобоев номи жамоа ҳўжалиги ғаллазорлари вилоятда биринчи бўлиб марғара етди. Ҳар гектар ердан ўртача 43 центнердан ҳосил олинди.

• ФАРҒОНАДА КИТОБ БАЙРАМИ

Фарғонада республика Давлат матбуот қўмитаси ташаббуси билан «Китоб байрами» ўтказилди. Унда Ғафур Ғулум номи, Ибн Сино номи, «Езувчи», «Ўзбекистон», «Камалак», «Ўқитувчи», «Фан» нашриётлари, шунингдек, Чўпон номидаги болалар нашриёти хо-

димлари иштирок этди. Шаҳар маданият ва истироҳат борига уларда чоп этилган бадий, нарий-оммавий китоблар намойиш қилинди.

Шу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва

тараққиёт кафолатлари» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Сўзга чиққанлар Президентимизнинг мазкур асарида мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган буёвд-корлик ишлари теран таҳлил этилгани, келажагимиз уфқлари аниқ белгилан берилганини таъкидладилар.

• БОЗОР ИСЛОХОТЛАРИ ЙЎЛИДА

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

16 июнь кунин Тошкентда, Банк-молия академиясида «Ўзбекистонда хусусийлаштириш инвестиция фондлари ва оммавий хусусийлаштириш: тажриба, ютуқлар ва хусусийлаштириш борасидаги халқаро тажриба» мавзусида халқаро семинар бошланди.

Семинарни Ўзбекистон ҳукумати, БМТ Тараққиёт дастури (ЮНИДО) ва Жаҳон банки ПИМГ халқаро аудит компанияси ва Тасис дастури билан ҳамкорликда ташкил этган. Бу тадбирдан кўзда тутилган мақсад хусусийлаштириш соҳасидаги етакчи халқаро экспертларнинг лекциялари, жонли мулоқот ёрдамида бозор инфратузилмасидаги муасасаларимиз мутахассисларини ўтиш даври муаммоларини ҳал этиш борасидаги жаҳон тажрибаси билан таништиришдан иборат.

Семинарда маъруза қилган Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси В. Чкен бу нуфузли анжуман мустақил Ўзбекистоннинг ҳозирги даврдаги асосий муаммоларидан бири -- хусусийлаштириш инвестиция фондлари (ХИФлар)ни ривожлантиришга ва умуман, оммавий равишда хусусийлаштиришга баришланганини таъкидлади. Семинар иштирокчиларига ислохотлар қандай бораётгани, Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати тўғрисида батафсил ахборот берилди. Чунончи, пулининг қадриетлиниши даражаси МДХ мамлакатлари ора-

сида Ўзбекистонда энг паст даражада бўлиб, яли ички маҳсулотнинг ўсиши кўрсаткичлари эса, энг юқоридир.

Хусусийлаштириш жараёнига одамларни жалб этиш, аҳоли камхарж табақаларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, республиканинг барча фуқаролари учун тенг имкониятлар яратишга доир ишларни самарали ташкил этиш учун Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, бундан бир йил муқаддам инвестиция фондларини ташкил этиш бошланган эди. Шу вақт ичида 55 та ХИФ ва 65 та бошқарувчи компания ташкил қилиниб, улар хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини аҳолига сотишда ёрдам бермоқда ва бу билан корхонанинг иқтисодий аҳволини мустаҳкамламоқда.

Семинар иштирокчилари, жумладан, хоржий мутахассислар ХИФлар ишининг ҳозирги аҳволини ҳамда Ўзбекистонда оммавий хусусийлаштириш ишлари қандай бораётганини, қимматли қорозлар бозорини, молиявий бошқарувини, аудит, менежмент ва маркетингнинг ривожлантириш масалаларини, хусусийлаштирилган корхоналар аҳволини яхшилаш йўлларини кўриб чиқдилар, шунингдек, бошқа кўп муаммолар ва уларнинг жаҳон тажрибаси асосида ҳал этиш йўллари ҳам муҳокама этилди.

Семинарда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холд Малик иштирок этди.

(ЎЗА).

• ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

НЕЪМАТЛАРНИНГ ЯНГИ «ЛИБОС»И

Андижон вилоятининг Ҳўжаобод туманидаги консерва заводида «Мадеспа» Ўзбекистон -- Мексика қўшма корхонаси барпо этилди. Бу ерда яқин орада пластик идишлар ишлаб чиқариш ҳамда унга табиий шартлар ва газли ичимликлар қўйиши йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, қўшма корхона озик-овқат санаятига керак бўладиган турли ёриқлар ҳам ишлаб чиқаради. Бунинг учун маҳ-

суо босмаҳона ташкил этилмоқда. Қўшма корхонанинг лойиҳадаги йиллик қуввати 12 миллион шишадан иборат бўлади. Бу ерда ҳозирнинг ўзидаёқ қишлоқ ёшларидан ўттиз нафардан кўпроги иш билан таъминланди. Мева ва सबзавотлар пишиган пайтда ишчилар сонини икки баравар ошди.

К. НИЗОМОВ,
ЎЗА муҳбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 17 июнидан бошлаб ҳисоб ва боҳона тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиледи: *)

1 Австралия доллари	46,41	1 Ҳангдоллари	7,45	1 Франк франки	10,55
1 Австрия шиллинги	5,07	1 Қуват доллари	204,26	1 Пивеня кронаси	7,96
1 Англия фунт стерлинги	101,06	100 Ливан фунти	4,02	1 Швейцария франки	42,88
10 Бельгия франкаси	17,27	1 Малайзия рингити	24,56	1 ЭКО	69,44
1 Голландия гульдени	31,70	1 Германия маркаси	35,64	10 Жаңубий Корея воно	0,70
10 Грекия драхмаси	2,25	1 Норвегия кронаси	8,51	10 Япония йенеси	5,42
1 Дания кронаси	9,36	1 Польша злотийаси	19,04	1 Украина гривнаси	10,69
1 БАА дирхами	16,82	1 Португалия эскудоси	3,52	1000 Беларусь рубли	2,30
1 АҚШ доллари	61,79	1 Сингапур доллари	43,30	1 Эстония кронаси	4,88
1 МСР фунти	18,25	1000 Туркия лираси	0,42	1 Ливан латри	108,21
1 Ирландия фунти	93,43	1 Финляндия маркаси	11,87	1 Латвия лити	15,45
1 Исландия кронаси	0,88			1 Қозғоғистон тенгеси	0,82
10 Испания песети	4,22			1 Қирғизистон соми	3,56
100 Италия лираси	3,63				
1 Канада доллари	44,75				

• ҲОКИМЛИКЛАРДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАЯНЧИ

Президентимизнинг ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда фуқаролар ўрнини охирига қўйишга қарор қилинган. Мунозарани тасида ҳуқуқий маданиятни ошириш тўғрисида билдирган фикр-мулоҳазалари катта аҳамиятга эга. Зотан, ҳуқуқий маданиятни юксалтирмасдан туриб, фуқаролик жамияти қуриш мумкин эмас.

Кеча Сурхондарё вилояти ҳокимлигида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ва

Ҳўжалик-процессуал кодекслари лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилишда ноҳиялар бу ҳақиқатни қайта-қайта таъкидладилар. Мунозарани Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Ф. Муҳиддинова бошлаб берди. Шундан сўнг сўзга чиққанлар ушбу кодекслар лойиҳалари юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини баён қилдилар.

Т. РАЗЗОҚ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

• ВИЛОЯТЛАРДА ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР ЯҚДИЛЛИГИ

Самарқандда республика Фуқаролик-процессуал ва Ҳўжалик-процессуал кодекслари лойиҳалари муҳокамасига бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Унда Олий Мажлиснинг вилоятдан сайланган депутатлари, ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Кенгашда республика Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов мазкур лойиҳалар хусусида тўхтади. Сўзга чиққанлар кодекслар лойиҳаларининг кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши, мутахассислар ва фуқароларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ўрганилиши уларнинг айрим бандларини янада аниқлаштириш ва такомиллаштириш имконини беришини таъкидладилар.

Семинар-кенгашда вилоят ҳокими А. Мардиев сўзга чиқди.

(ЎЗА).

*) валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олганни.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

СУВ ҚАДРИ

Унинг нечоғли юқорилигини хоразмликлар жуда яхши билишади

«Хоразмда ҳар бир томчи сув қадри!» Бу -- Президентимизнинг сўзлари. Утган йили бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида юртбошимиз воҳада вуқудга келган сув муаммоси ҳақида тўхталиб, республика ҳукумати бу масалага алоҳида эътибор беражга ҳақида гапирганди. Мана, орадан бир йилдан ўзгариш рўй берди?

сувдан қолишмайди. Демак, воҳада ичимлик суви муаммоси билан имконият даражасида шуғулланилапти, дейишга асосимиз бор. -- Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида тузилган меморандумга мувофиқ воҳадаги ичимлик суви ва канализация тармоқларини янгилаш, таъмирлаш, янги технологик ускуналар билан жиҳозлаш бўйича «Тоза сув, санитария ва саломатлик» лойиҳаси учун жаҳон «Тикланиш ва тараққиёт» банки 47,8 миллион АҚШ доллари ажратмоқчи. -- дейди вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиги вазифасини бажарувчи Ойбек Каримов. -- Бу борада шартнома тузилган.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш гуруҳининг Хоразмдаги вакили Полвонназар Солаевнинг таъкидлашича, режани бешта йўналиш бўйича амалга ошириш кўзда тутилган. Мазкур банкнинг тўлов тошириғига биноан, ҳар бир йўналишга сарфланадиган маблағни жаҳоннинг турли халқаро ташкилотлари, банк ва жамғармалари етказиб беради. Чунончи, Урганч шаҳрида ичимлик суви тармоқларини янгилаш ва ускуналашга кетадиган маблағни (10 миллион доллар ҳажмида) Кувайт халқаро жамғармаси, «Копарда» насос станцияси қурилиши харажатларини «Бинни энд Партнерс» компаниясининг лойиҳаси асосида Япония банки қўлайди. «Жайка» халқаро жамғармаси эса вилоят «Сувоқова» бошқармаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Вилоятда бевосита давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган ишлар ҳам талайгина. Узининг 2500 йиллик тўйига тараддуа кўраётган Ҳива шаҳрида эса оқова сув иншооти қурилиши авжида. Шу билан бирга, 1997 йилнинг охиригача воҳада турли маблағлар ҳисобига 190 километр узунликдаги сув қувурлари, беш километрик канализация тармоғининг ишга туширилиши ҳам режалаштирилган. Бир кеча-кундузда 200 минг кубометр сув етказиб бериш қувватига эга «Тўғйўйин-Урганч» қувурининг иккинчи навбати ҳам шу йил фойдаланишга топширилади.

Абдулла СОБИРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



Бухоро қадимдан хунармандчилик тараққий этган шаҳарлардан бири бўлган. Ҳозир ҳам бу ерда халқимизнинг кўҳна хунармандчилик анъаналарини давом эттириб келаётган кўлаб халқ усталари бор.

СУРАТЛАРДА: бухоролик машҳур қандакор Маҳмуд Гуломов (чапда) иш устида; зардўзлар Зарина ва Мунаввар Солиқовалар (ўртада) ўзлари тиккан маҳсулотларни намойиш этишяпти; кутубхона мудираси (ўртада) Азиза Эшбоева китобхона Ойгул Турдиевага Бухоро тарихига оид китобларни топишга кўмаклашяпти.

Ш. ШАРОПОВ (ЎЗА) олган суратлар.



ҚУТЛУФ ТҮЙГА ТАРАДДУС

Қашқадарь вилоятида мустақиллик байрамини ўтказиш бўйича ташкилий комиссия тузилиб, тегишли тadbирлар мажмуи тасдиқланганди. Ушбу қарорни шарҳлар экан, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Турсунпўлат КАРИМОВ, жумладан, бундай деди:

-- Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами халқимиз ҳаётида энг ёрқин кун сифатида муҳрланиб қолади. Шу боис бу кунни катта эҳтиром билан, табаррук сана сифатида қутиб олишимиз зарур.

Илгари байрамлар олдидан юбилей иншоотларини ишга тушириш бўйича кампанияозлик бошланиб кетарди. Эндиликда бунга барҳам берган ҳолда, истиқлолнинг тулқинларини кенг оммага тушунтиришимиз зарур. Тўғри, шаҳар ва кичикларни ободонлашти-

риш, атроф-муҳитни озода сақлаш ҳам зарур талаблардан бири. Байрам муносабати билан эса халқ хашарларини уюштирилади ва хиёбонлар барпо этилади, ободонлаштириш ишлари давом эттирилади. Белгиланган тadbирларга биноан, шунингдек, воҳанинг барча шаҳар ва туманларида «Мустақиллик -- инсон камолотининг асосий мезони» мавзусида илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтади. «Мустақиллик -- иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг бош омили» мавзусида маърифат ва маънавият кунлари, «Мустақиллик ёш иждоқорлар нигоҳида» ширин остида кўрик-танловлар, амалий санъат усталари ва ёш рассомларнинг кўргазмалари ҳам ташкил этилади.

Кўшиқлар байрамининг иккинчи босқичи эса мустақиллигимизнинг 6 йиллиги нишонланадиган кунгача давом эттирилади.

Байрамга тайёргарлик ва уни ўтказиш фақат тантаналар ва кўнгулочлар тadbирлардан иборат бўлиб қолмас-

лиги керак. Истиқлолнинг нури шарофатидан қарию ёш -- барча баҳраманд бўлиши лозим. Шунинг учун маҳалаларда, қишлоқ ва туманларнинг марказларида фаоллар иштирокида ёлғиз кишилар, бокучисини йўқотган оилалар, шифохоналарда даволанаётган беморлар йўқланади. Уларга, албатта, моддий ёрдамлар уюштирилади.

Дала ва фермаларда ишлаётган пахтакорлар, галлакорлар, чорвадорлар, дашт бағрида янги-янги иншоотлар барпо этаётган бунёдкорлар, хазиналар қўзини очаётган геологларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларнинг намунали яшашлари ва меҳнат қилишлари учун етарли шароитлар яратиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилади. Зеро, 1997 йил -- инсон манфаатлари йилдир.

П. ГАДОВЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ИСЛОҲОТ -- АМАЛДА

Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг 1996 йил 25 октябрда бўлиб ўтган сессиясида Президентимиз Ислам Каримов воҳадаги аҳолини чуқур таҳлил этиб, хусусан, қишлоқ хўжалигида йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни қаттиқ танқид қилган эди. Мана, орадан етти ярим ой вақт ўтди. Бу мuddат ана шу камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш учун етарлидир. Ҳўш, вилоят мутасаддилари давлат раҳбарининг танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазаларидан тўғри ҳулоса чиқариб, бу йил деҳқончилик соҳасида жиддий бурилиш ясашга эришдиларми?

Инсоф билан айтганда, ўтган давр мобайнида ислохотларни чуқурлаштириш, кейинги йилларда анча пугурдан кетиб қолган деҳқончиликни жонлантириш борасида, айниқса, одамлар онгини ўзгартиришда сезиларли натижалар эришилди. Аввало, Президентимиз таъкидлаганидек, қишлоқда ислохотларни жадаллаштириш, иш услубини тубдан ўзгартириш, янги агротехникаларни жорий этишда тadbиркорлиги ва ташаббускорлиги сезилмаётган, ташкилотчилик қобилияти етишмаётган, боқимандалик кайфиятидан халос бўлмаётган туман ва хўжалик раҳбарлари ҳаракатчан, уддабурон ёшлар билан алмаштирилди. Кўрилган бу чоралар кузги-қишқи дала ишлари чоғидаёқ ўз самарасини кўрсатди. Мавжуд 250 минг гектар суғориладиган экин майдонлари вилоят тарихида биринчи марта юз фоиз кузги шудгордан чиқарилди.

Вилоятда кейинги йилларда пахтанинг тезлишар ва серҳосил навларини танлаб экишга эътибор усайганлиги тўғрисида ҳосилдорлик 24 центнердан 17,6 центнерга тушиб қолгани. Жорий йилда ҳокимликлар вақтида бу хатонинг олдини олишлар. Асосий майдонларга шароитга анча мослашган «АН-Боёвут-2» нави экилди. Май ойининг бошида юз берган табиий офат натижасида қайта экилган эрларга эса кўпроқ эргалишар «С-47-24» ва «Тошкент-6» навлари жойлаштирилди. Бунда ҳар бир туман ва хўжалиқнинг сув таъминоти бўйича имкониятлари ҳам ҳисобга олинди. Илгари хўжалиқлар азотли ўғит билан 60 фоиз атрофда таъминланган, фосфорфурин ўғитларнинг ярми етказиб берилар, калийли ўғитлар эса умуман келтирил-

зарур. Ҳозиргача 50 таси хариш қилинди. Терим мавсумига қадар қолганини ҳам хўжалиқларга етказиб бериш режалаштирилган.

Жиззах республикада энг кўп галла экиладиган вилоятлардан бири эканлиги ҳаммага маълум. Бу ерда йилга ярим миллион тонна дон тайёрлаш имконияти мавжуд. Аммо, афсуски, бир қатор вилоятларда галладан 40-50 центнердан ҳосил олинаётган бир пайтада Жиззахда бу кўрсаткич 14-15 центнердан ошмайпти. Президентимиз бунинг сабабини «авваломбор боқимандаликда, ўзибуларчиликда, эртанги кунни ўйламай, ишни пала-партиш ташкил қилишда», дея баҳолаб, айни чоғда серҳосил навларни

ортиги билан бажаришлари-га ишонч ҳосил қилилар.

Аммо «Даладаги эмас, хирмондаги ҳисоб», деган гап ҳам бор. Шунинг учун жойларда йилгим-терим мавсумига пухта ҳозирлик кўрилатири. Чунончи, жами ҳосилни кечи билан 30 иш кунинда ўриб-янчиб олиш мақсадида «Енисей» ва «Нева» комбайнлари суғориладиган майдонларда 120 гектар, лалмида 240 гектар, «Кейс» комбайнлари эса 600-720 гектардан норма белгиланди. Бироқ, ўйлаб қаралса, мудлоага етиш учун қўшимча 358 та комбайн керак экан. Уларнинг ўрнига 20 та янги «Кейс» комбайни харид қилинди. Бундан ташқари, мавсумда галла 20-25 кун кечикиб ети-

маган. Бундай нуқсон пировадиди қандай оқибатларга олиб келишини раҳбар ва мутахассислар яхши тушунамайдилар, деб бўлмайди, албатта. Тушунашлар у, аммо эски тизимдан қолган ҳафсаласизлик, беғамлик иллати вуқудларига сингиб кетган, жон куйдиргилари, вақтинчалик ҳузур-ҳаловатдан воз кечилари келмайди.

Сессияда қайд этилган ана бир камчиликка ҳам барҳам берилмагани ачинадир. Чунончи, очик зовурлар, коллектор ва ёпиқ дренажларнинг анчагина қисми яроқсиз ҳолга келиб, экин майдонларининг шўрланшини кучайтирмоқда. Бугунги кунда ички зовурларнинг 764 километри ишдан чиққан. Бу йил шундан 315 километри тозаланиши ке-

ларини тозалаш тартибига мутлақо риоя қилинмайди. Қоидага кўра, аввал хўжаликлараро, сўнгра ички зовурлар тозаланиб, шундан кейингина ёпиқ дренажлар ювилиб, тозаланиши керак. Бу ерда эса, аксинча, аввал дренаж ювилмоқда. Демак, бутун қилинган меҳнат зое кетаётир. Негаки, зовурлар тозаланмаганили боис шўр сув дренажларда тўпланиб қолмоқда.

Арсасой вилоятнинг энг мураккаб туманларидан бири. Сир эмаски, бу туман кўп йиллардан бери нафақат Жиззах вилояти, балки бутун республикада энг қоқоқ туманлардан бири ҳисоблана келади. Аммо туманининг янги, ёш ҳокими Раҳимжон Эшонқўлов Узининг ишчанлиги, ташаббускорлиги ва ташкилотчилик қобилияти билан хўжалик раҳбарларини, қолаверса, бутун дала меҳнатқашларини ортидан эргаштира олди. Икки йилдан бери иш ҳақи олмаган пахтакору галлакорларнинг қўли, ниҳоят пул кўрди. Шу йилнинг ўзида пахта ва галлани қайта ишлаш корхоналари билан тузилган шартномаларга мувофиқ, аванс пуллари босқичма-босқич олинди, далада ишлаётганларга 13,5 миллион сўм иш ҳақи тарқатилди. Бунинг устига, якка ижара пудрати жорий этилиб, ҳар бир ижарачи билан алоҳида тузилган шартномада режадан ортиқча галла ўзларида қолиши аниқ эъиб қўйилгани одамларда бу йил мўмай даромад олишга катта ишонч уйғотди. Ҳозир даладаги ҳосил чўғидан кўнгли тўқ бўлган галлакорлар ўрим-йилгима иштиёқ билан қиришдилар. Асосий майдонларда ўртанча ҳосилдорлик 35 центнергача етмоқда. Арнасой тумани шартинда ҳеч қачон бундай ҳосил олинмаган эди.

Бироқ шולי курмакесиз бўлмаганидек, илгорлар соҳасида юрган лоқайдлар ҳам борки, улар вилоятда юксалиш сари бошланган саъй-ҳаракатга ҳисса қўиши ўрнига, умумининг орқага тортомоқлар. Улар Президентимизнинг сессияда айтган сўзларидан ана бир бор тегишли ҳулоса чиқариб, давр билан ҳамнафас олим ташлашни олат қилсалар, ёмон бўлмади.

А. ЙЎЛДШЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ:

ОДАМТАР ОНТИДА ЎЗГАРИШ РЎЙ БЕРМОҚДА

- Кузги шудгорлаш шарофати
• Деҳқоннинг қўли пул кўрса, экинни яшнатади
• Увол бўлган экинлар
• Раҳбарлар бегим бўлса, экскаваторлар ҳам лойга ботаркан.

(табиий офат сабабли қайта экилган) сўнгги озука 20 июндан кечиктирмасдан берилди.

Қишлоқ хўжалик техникасининг умумий фойдаланиши, муддати ўтганларини янгилаш, қолганларини вақтида таъмирлаб, ишга яроқли ҳолда сақлаш борасида ҳам қатор нуқсонлар мавжуд. Утган даврда бу нуқсонларга барҳам бериш мақсадида вилоятда 13 та машина-трактор парки ташкил этилди. Бу барча хўжалиқларга техника воситаларини бир жойда, яъни марказий устaxonада сақлаш имконини берди. Техникалар эса механизаторларга даполатнома асосида бириктириб қўйилди.

Вилоятда жами 1645 та чопиқ трактори бўлиб, бу талабни қондира олмас эди. Шу боис 203 та янги шундай трактор сотиб олинди. Шу билан бирга, мавсумда пахта териш мосламалари тиркаладиган тракторлар ҳам дала ишларига сафарбар этилди.

Вилоятда ишчи кучи етишмаслиги сабабли, пахта терим асосий қисми машиналарда терилди. Бунинг учун, албатта, мавжуд 2400 та машина камлик қилади. Яна камида 260 та агрегат

танлаб экиш, айниқса, сифатли уруғлик тайёрлашдек муҳим иш ўз ҳолига ташлаб қўйилганилини аниқ миқдор билан исботлаб берганди. Кўпгина туман ва хўжалиқларда бундан тўғри ҳулоса қақрилиб, 1997 йил ҳосилни учун галланинг сигналан «Скифияка», «Юна», «Интенсив», «Ёнбош», «Сангзор-4», «Сангзор-6» каби серҳосил навлари жойлаштирилди. Ҳар гектар майдонга оладатидек 80-100 килограмм эмас, 250 килограммдан уруғлик сепилди. Натижада 101 минг гектар суғориладиган галлазорда кўчат ҳар йилгидан анча қалин бўлди. Мутахассислар гуруҳлари яқинда галлазорларда пишиб етилган ҳосил чўғини чамалаб, ниҳоят, 3-4 йиллик «танаффудан» сўнг жиъзахликлар давлатта дон сотиш бюуртасини

ладиган тоғли Баҳмал, Фориш, Галлаорол туманларидан келтирилган 155 та комбайн ҳам ишлайди.

Бир комбайнини икки нафар малакали ҳайдовчи бошқаради. Уларнинг меҳнатига ҳар беш кунда ҳақ тўлаб бориш учун тегишли банклар зиммасига 10384,2 минг сўм нақд пул ажратиш юклатилган. 30 кун мобайнида нормадагидан ортиқча майдондаги ҳосилни ўриб-янчишга улгурган комбайнчиларга эса 2000 сўмдан 5000 сўмгача мукофот пули берилди.

Бундай ибратли тadbирлар, албатта, мамуну этади, кишини. Аммо биз Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл, Зарбдор, Жиззах туманлари далаларида бўлганимизда, кўнглини ранжитадиган манзараларга ҳам дуч келдик. Айрим хўжалик-

рак эди. Шу кунгача эса 128 километри ёки бор-йўғи 41 фоизи қўлдан чиқарилади, холос.

Мавжуд ёпиқ-ётиқ дренажларнинг 3824 километри, яъни 29 фоизи эса яроқсиз. Жорий йилда 544 километри ювилиши кўзда тутилган бўлса-да, амалда 80 километри ёки 15 фоизи тозаланган. Бундай тошбақа сурьат билан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яқин йиллар ичида яхшилашга улгурши амримаҳол, албатта. Аслида бу юмуш учун 24 та ПДТ-125 агрегат талаб этилади. Вилоятда эса ҳозирги кунда бор-йўғи 10 та агрегат бор.

Қарангки, жойларда мавжуд техникалардан ҳам эп-лаб фойдаланилмапти. Масалан, Зарбдор туманида шундай воқеанинг гувоҳи бўлдик: дренаж яроқсизлиги тўғрисида шўри ер юзасига чиқиб ётган экин майдонини ёқасида иккита экскаватор ҳаракатсиз турарди. Бири ботқоққа ботиб қолибди, иккинчисининг эса аллақандай эҳтиёт қисми бузилди. Шу сабаб тўрт кундан бери ишламаётган экан.

Қолаверса, бу туманда ҳафсаласизлик шу даражадаки, мелиорация тармоқ-

ДУНИЕ ДАРАҚЛАРИ
МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ САФАРИ
АҚШ Мудофаа вазири Уильям Коэн Фортс кўрғаси минтақаси мамлакатлари бўйлаб сафар қилмоқда.
У ўз ташрифи давомида Саудия Арабистони, Кувайт, Бахрайн, Бирлашган Араб Амириклари раҳбарлари билан музокара-лар ўтказишни режалаштирган.

ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВИ ЎТҚАЗИЛДИ
Хорватияда 15 июнь кунини мамлакат Президентлиги учун сайлов ўтказилди.
Айни вақтда комиссия сайлов натижаларини ҳисоб-китоб қилмоқда.

«БАЛТОПС-97» ТАДБИРИ БОШЛАНДИ
Кеча Европанин 12 давлати ҳамда АҚШ ҳарбийлари Балтик денгизиде «Балтопс-97» деб номланган ўқув машгулотларини бошлаб боришти.

«Балтопс-97» машгулотлари икки босқичда ўтказилади. Унинг илк босқичи «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида бўлади.
ХАРБИЙ БАЗА ҚУРИЛАЯПТИ
РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, 1992-94 йилларда АҚШ ва Каттар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, АҚШ Каттар пойтахти Доҳадан 50 километр шимол-ғарбда ўз харбий базасини қуришни режалаштирмоқда.
200 та жанговар самолёт, 30 тага яқин харбий кема ва 20 мингдан ортиқ аскар жойлаштирилиши кўзда тутилган мазкур база учун камида 100 миллион АҚШ доллари миқдоринда маблағ сарфланар экан.
Хорижий матбуот хабарлари асосида Х. АБДУРАҲМОНОВ тайёрлади.

ҚИШ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).
Афсуски, ҳамма жойда ҳам аҳвол бирдек эмас. Муваққат раҳбарларнинг со-вуққонлиги натижасида ўтган йилги қиш мавсумида талайгина қийинчиликлар вужудга келди. Республикадаги мавжуд коммуникация ва узатиш тармоқларини сифатли таъмирдан чиқариш, 15 сентябргача жойларда қуз-қиш фақат учун зарур миқдордаги ёқилғи захира-ларини тайёрлаб қўйишдиққат марказида бўлиши лозим, дея таъкидланди йилгида. Токи, ўтган йилги хатолар такрорланмасин, халқ ҳўжалиги тармоқла-

рининг йил бўйи узлуксиз ва узлуқсиз ишлаши, аҳоли-нинг тинч ҳамда хотиржам яшаш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилсин.
Йилгида Вазирлар Маҳкамаси қарорини амал-га ошириш, 1997-98 йиллар қузги-қишги мавсумга тайёргарликнинг бориши юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳоким ўринбосарларнинг ахборотлари тингланди. Ҳозирги давлар-нинг ҳар дақиқаси ганимат-дир. Мавжуд имкониятлар-дан фойдаланган ҳолда рес-публикадаги барча мактаб-лар, боғча ва касалхоналар, бошқа муҳим иншоотлар

сифатли таъмирланиши, бу борадаги ишлар 15 августга-ча ниҳоятга етказилиши керак. Йилгида қузги-қишги мавсумга тайёргар-ликни қучайтириш, халқ ҳўжалиги тармоқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича мута-садди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, шунингдек, ҳоким ўринбосарларига зар-рур кўрсатмалар берилди.
Муҳома этилган маса-ла юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.
Йилгида республика Бош вазири ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов, Р. Юнусов, Қ. Раҳимов иштирок этди.
